

ИЗЧИЛЛИК АСОСИДА ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Юлдашева Фароғат Туракуловна

ЎзМУХФФ ўқитувчиси

**Аннотация:** Изчиллик асосида талабаларни касбий тайёргарлигини ташкиллаштириши буйича тавсиялар ишлаб чикиш, изчиллик асосида талабаларни касбий тайёргарлигини такомиллаштиришининг педагогик-психологик имкониятларини тахлил қилиш.

**Калит сўзлари:** изчиллик, методлар, рус тил, рус тилини ўрганиш, компетенция.

Узлуксиз таълимни сифат ва самарадорлигини ошишига, изчиллигини давомийлигини таъминлашга касбий компетенцияларни такомиллаштиришга ва педагогик муаммоларга бағишланган изланишлар Б.С.Абдуллаева, Х.А.Абдурахманова, А.Асқаров, Р.Х.Джураев, У.И.Иноятов, В.М. Каримова, С.Т. Махкамов, М.Э.Насирова Ш.С.Шарипов, С.Т.Турғунов, Йўлдошева Ш. Б.М. Умаровлар илмий тадқиқот ишларида ёритилган. Олий таълим ташкилотларида хорижий тилни ўқитиш масалаларига оид илмий изланишлар, Л.Т.Аҳмедова, Ж.Ж.Жалолов, Л.К.Илиева, Г.Махкамова, Ф.М.Рашидова, Т.К.Сатторовлар тадқиқотларида ўрганилган.

“Изчиллик – бу ўтилганларга шундай таянишки, талабаларда мавжуд бўлган билимлар, малакалар ва қўнималарни шундай қўллаш ва янада ривожлантиришки, бунда талабалар онгига турли хил боғлиқликлар яратилади, курснинг асосий гоялари очиб берилади, эски ва янги билимлар ўзаро таъсирга киришади, натижада уларда пухта ва чуқур билимлар тизими ҳосил бўлади”.

Мутахассис касбий маҳорати ва шахс шаклланиши ва ривожланишинг узлуксизлиги ҳақида А.А. Деркач, Г.И. Хозяинов; омилкорликка йўналтирилган ёндашув В.А. Дёмин, В.К. Загвоздкин, С.Е. Шишов ; фаолият ёндашуви К.А. Абульханова-Славская, Б.Г. Ананьев, Л.С. Виготский; тизимли ёндашув С.И. Архангельский, В.П. Бесспалько, И.В. Блауберг, В.П. Кузьмин; дифференциялашган-интеграл ёндашув Г.А. Бокарева, М.Ю. Бокарев; узлуксиз таълим назариясига А.П. Владиславлев, Б.С. Гершунский, Ю.А. Кустов ; ўқитишда изчиллик муаммолари Б.Г. Ананьев, Ш.И. Ганелин, С.М. Годник, Э.А. Баллер ; касбий таълим замонавий концепциялари Б.С. Гершунский, М.И. Махмутов, А.В. Хоторской; чет тилини мактабда ва олий таълимда ўқитиш концепциялари ва методикаларини С.С. Артемьева, Н.Д. Гальскова, П.Б. Гурвичлар татқиқ этишган.

Хорижий тилларни ўқитишда касбий компетенцияларни таълимдаги роли, ўрни ва амалий аҳамиятига оид масалалар хорижий тадқиқотчилардан A.S.Akmayeva, W. E.

Blank, M.Byram, G.Cheetham, D.Coste, H.Lund, T.March, A.Nichols, N. A.Tarasevich, C.K.Tittle, B.Tomlinsonларнинг илмий ишларида татқиқ этилган .

Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти изчилликни чет тилини ўқитиш жараёнида чет тили билимдонликларининг иерархиясини, улар ўртасидаги алоқаларни, билимдонликнинг ривожланиш даражаларини акс эттирувчи педагогик тизим сифатида тавсифлаб берилган, изчиллик нуқтаи назаридан чет тили тайёргарлигининг мақсадлари, услублари ва шаклларини лойиҳалашдан иборатдир. Изчилликни амалга оширишнинг дидактик шартлари баён қилинган.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти олий касбий таълим амалиётида чет тили тайёргарлиги жараёнида изчилликни амалга оширишнинг ишлаб чиқилган модели, чет тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг чет тили билимдонлиги даражасини аниқлаш имконини берадиган ташхислаш воситалари мажмuinи қўллаш имконияти билан боғлиқдир.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. A.S.Akmayeva “Хорижий тилларни ўқитишида касбий компетенцияларни таълимдаги роли, ўрни ва амалий аҳамиятига оид масалалар “
2. С.С. Артемьевна “Чет тилини мактабда ва олий таълимда ўқитиш концепциялари ва методикалари”
3. Б.С.Абдуллаева” Узлуксиз таълимни сифат ва самарадорлигини ошириш, изчиллигини давомийлигини таъминлаш, касбий компетенцияларни такомиллаштириш ва педагогик муаммоларга бағишлиланган изланишлар”